

УДК 349.820.22(639.1)

ИНТЕНСИВ БОГДОРЧИЛИК СОҲАСИДА ФЕРМЕР

ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

О.Б.Сатторов мустақил тадқиқотчи ТИҚҲММИ

Аннотация

В данной статье рассмотрены тенденции и изменения развития садоводства и интенсивного садоводства в регионе и в стране в целом. Представлены анализ современного состояния площадей садоводства и их изменения. Даны рекомендации и предложения по улучшению садоводства в Каракалпакской области и республике.

Аннотация

Ушибу мақолада мамлакатимизда ва ҳудудлардаги бодорчилликнинг ривожланиши ва ўзгариши кўриб чиқилган. Республикадаги бодорчиллик майдонлари, ҳосилган кирган бодарнинг ҳозирги ҳолати ва ўзгаришилари. Республикамиз ва хусусан Қашқадарё вилояти мисолларида бодорчилликни ривожлантириши бўйича таклиф ва холосалар келтирилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида интенсив боғдорчиллик ва узумчилик тармоқларида кенг кўламда ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Республикада мева – сабзавотчилик соҳасида фермер хўжаликлари ташкил этилгунга қадар ҳам, меванинг аксарият қисми (78,1%) дехқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган. Жумладан 2016 йилда республика бўйича жами боғлар майдонининг 60,6% фермер хўжаликлари, 33,9% дехқон хўжаликлари ихтиёрига берилган бўлса, қолган қисми бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган. Шунингдек, 2015 йилда етиштирилган жами меванинг 45,7 % фермер хўжаликлари, 52,2 % дехқон хўжаликларида етиштирилган. Агарда мазкур рақамларга жиддий эътибор берадиган бўлсак, яъни 33,9 % ер майдонига эга бўлган дехқон хўжаликларида меванинг 52,2 % етиштирилганлиги дехқон хўжаликларининг юқори самарадорлигидан далолат бермоқда. Интенсив боғдорчиллик соҳасини ривожлантириш тармоқдаги ўзига хосликлардан самарали фойдаланишини талаб этади. Бунда ҳисобга олиниши лозим бўлган ўзига хосликлар фикримизча, қуидаги гурухлардан иборат:

Биринчи гурухга – бевосита интенсив боғдорчиллик соҳаси билан боғлиқ бўлган интенсив боғдорчиллик маҳсулотлари таркиби хилма – хиллиги; маҳсулотлар ташки қўриниши, товарлилик хусусиятидаги фарқлар; интенсив боғ яратиш жараёни ва ҳосил етиштиришга маълум муддат талаб этилиши; мевалар пишиши давридаги фарқлар; барча меваларни сақлаш ва қайта ишлаш мумкинлиги каблар.

Иккинчи гурухга – интенсив боғдорчиллик фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни киритиш мумкин. Яъни, хўжаликлар ер майдони ва маҳсулот ҳажми кичиклиги; мева етиштириш фермердан етарли билим, тажриба ва маҳорат талаб этиши; бозордан узоқда жойлашганлиги; меваларни сувли, лалми, тоғли ва тоголди худудларида ҳам етиштириш мумкинлиги; мева етиштиришнинг тури агротехник тадбирларга асосланганлиги; соҳада қўл талаб қилиниши; тажрибалар асосан авлоддан – авлодга ўтиши; тармоқда инвестиция қайтими 5-6

йилдан сўнг бошланиши; иқлим шароити таъсирининг жуда кучлилиги кабилар интенсив боғдорчиликда ҳисобга олиниши лозим.

Интенсив боғдорчилик фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий жиҳатларини эса иккита гурухга бўлиб ўрганиб чиқиш мумкин.

Интенсив боғдорчиликка ихтисослашган хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш – ер ижараси, боғларга эгалик қилиш ва фойдаланиш муаммосини ҳал этиш; инфратузилма, обьектларидан фойдаланиш; асосий воситаларга эгалик қилиш; хўжаликни бошқариш; ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; ерга ишлов бериш; боғларни парваришлиш; ҳосилни ҳашорат ва касалликдан ҳимоялаш; ҳосилни йигиш ва сотувга чиқариш кабилар ўрин олади.

Соҳада фермер хўжаликлари фаолияти иқтисодий жиҳатлари доирасида – мева етиштириш ва уни сотишни режалаштириш; шартнома муносабатлари; баҳо сиёсати, моддий манфаатдорлик механизми; молия – кредит, солиқ, суғурта муносабатлари; маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишни ташкил қилиш; боғбонлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва илм – фан ютуқларидан фойдаланиш каби масалалар ҳал этилиши лозим.

Фермерларга мева етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш жараёни билан боғлик замановий асбоб-ускуналар, минитехнологиялар харид қилиши учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ.

Интенсив боғдорчилик фермер хўжаликлари асосан 2012 йилдан бошлаб ташкил этила бошлаган. Масалан, мамлакатимиз худудида умумий боғлар майдонининг 2013-2017 йилларда 254,6 минг га.дан 279,6 минг га, яъни 9% га ортган, ҳосилга кирган боғлар иайдонлари ўз навбатида, 2013 минг.га.дан 226.9 минг. га 12% га ошган. Ҳосилдорлик 19% га, ялпи ҳосил эса, 34% га ошган. Бу кўрсаткичлар айни вақтда паст бўлишига қарамасдан, қисқа вақт ичida бу каби ўсиш суръатлари боғдорчилик соҳасини ривожлантириш ижобий амалга оршаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда мева ва резаворлар майдонлари, ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги

	2013	2014	2015	2016
Мева ва резаворлар (минг га)	254.6	261.9	266.4	279.6
шундан ҳосилга кирган (минг га)	201.3	214.6	214.3	226.9
Ялпи ҳосил (минг тонна)	2261.1	2490.6	2746.1	3042.8
Ҳосилдорлик (минг тонна)	112.3	116.0	128.1	134.1

Хусусан ушбу ҳолатни Қашқадарё вилоятида кўриб чиқадиган бўлсак, 2016-2017 йилларда худудда мавжуд боғлар улуши 17238,0 га. дан 20755,6 га ошган бўлиб, 20% га кўпайганини кўрсатади. Улар ичida ёш боғлар майдонлари 12214,0 га.дан 15156,0 га ошган ўлиб, 24% га ошиб, улар ичida интенсив боғлар улуши эса 1945.3 га.дан 1954.5 га, яъни 0,4% ошиганини кўсатади. Вилоятда интенсив боғлар улушининг камлиги ҳозирги кунда худудда интенсив боғдорчиликни

кўпайтириш заруратини туғдирмоқда. Аммо, ҳудудда интенсив боғдорчиликни яратиш учун зарур шарт-шароитлар йўқлиги, интенсив боғдорчиликни ривожланитиришу учун янги етхнологияларни нархлари баладлиги ва аҳолида етарли билим ва малакаларнинг йўқлиги тўсқинлик қилмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги мавжуд боғлар тўғрисида маълумот

Мавжуд боғлар майдони, га	Ҳосилга кирган боғлар майдонлари, га	Ёш боғлар майдонлари, га	Интенсив боғлар майдони, га
2016 йил	17238	12214	1945.3
2017 йил	20755.6	15156.0	1954.5

Бугунги кунда интенсив боғдорчилик соҳаси тўлиқ бозор тамойиллари асосида фаолият юритаётган бўлиб соҳа ривожига маъмурий бошқарув услуги эмас, устун даражада минерал ўғитлар, боғлар касаллиги ва ҳашоратларга қарши кураш воситалари етказиб бериш, интенсив боғдорчилик техникалари ишлаб чиқариш соҳалари етарли ривожланмаганлиги тўсиқ бўлмоқда. Натижада, ҳосилга кирган боғлар майдони ҳисобига олинаётган фойда миқдори паст. Сўнгги йилларда фойда миқдорининг ўсиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятдаги интенсив боғдорчиликни таҳлил қиласиган бўлсак, 2012 йилда фермер хўжаликлари томонидан мева етиштириш бўйича бир гектар ҳисобидан 1025000 сўмлик, 2015 йилда 1957000 сўмлик, 2016 йилда 3251200 сўмлик ва 2017 йилда 5895600 сўмлик фойда олишга эришиб рентабеллик даражаси 75,6 фойзни ташкил этган. Агарда вилоятда ўртача бир фермер хўжалигининг интенсив боғ майдони 2017 йилда 10,8 гектарни ташкил этишини ҳисобга олсак, фермер хўжалигининг йиллик соғ фойдаси 33694,0 минг сўмни ташкил этади. Албатта, ушбу фойда даражаси билан боғларни сақлаб туриш муаммо бўлаётган бир шароитда, баъзи илғор хўжаликларда эса яхши натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Яккабоғ туманидаги 3,5 гектар майдонда олма етиштирувчи “Орифжон интенсив боғ” фермер хўжалиги 2017 йилда бир гектар боғ ҳисобига олинган соғ фойдаси 1055000 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ҳудудларида интенсив боғдорчиликни ривожлантириш анъанавий боғдорчиликдан фарқли ўлароқ, қисқа вақт ичida юқори ҳосил олиш имкони, етиштирилаётган мева маҳсулотларини юқори товарлилик даражаси, сақлаш ва ташиш учун чидамлилиги билан ажralиб туради. Хулоса қилиб, мамлакатимизда интенсив боғдорчиликни ривожлантириш учун қўйидаги табдирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- кўп тармоқли мева етиштирувчи интенсив боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш;
- интенсив боғдорчиликни самарали ривожлантириш учун имтиёли кредитлаш фоиз ставкаларини камайитириш ва соликлардан озод этиш муддатларини узайтириш;

- интенсив боғдорчиликни самарали амалга ошириш учун ғалла ва пахтадан бўшаган дала майдонларини уй-жой қурилиш объектларига эмас, балки асосан интенсив боғдорчилик учун ажратиб бериш;
- интенсив боғдорчиликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида етакчи хорижий (томчилатиб, ёмғирлатиб сугориш каби) технологияларни олиб кириш учун кулайликлар яратиш ва х.к.лар.

Интенсив боғдорчилик соҳасини ривожлантириш ва юқори самарадорликка эришиш, келгусида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, миллий бозорларимизни мева маҳсулотлари билан тўлдириш, ахолини мева маҳсулотларига бўлган талабини кондириш, қолаверса мамлакатмизнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш имконини беради.